

Ислом оламининг икки буюк саркардаси – Усмонли салтанат подшохи Боязид Йилдирим ва Самарканд султони Амир Темур 1402 йил 20 июлда Анкарада тўқнашдилар. Бу жангда ҳар икки тарафдан икки юз мингдан ошиқ жангчи катнашди. Мухораба Усмонли салтанатининг тўртинчи султони Боязиднинг маглубияти билан якун топди, унинг ўзи асир олинди. Натижада Усмонли давлатининг Гарбга ташланажак қадами кесилди, Кустантания (Истанбул) фатҳи эллик йилга кечикди, Оврупа Ислом неъматидан бебаҳра қолди.

(«Туркия» таквимидан, Истанбул, 1996 йил).